



АВТОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН БЕНЧМАРКИНГ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Шарипов Конгратбай Аvezимбетович -

ТДИУ ректори

Таджиев Сардор Убайдуллаевич -

*Узавтосаноат АЖ бошқарув раисининг савдо ва
маркетингни ривожлантириш бўйича ўринбосари*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a1

Аннотация: Мақолада автосаноат корхоналари инновацион бенчмаркинг тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича уни белгиловчи омиллар, бенчмаркинг потенциални ривожлантириш ва баҳолаш алгоритми, инновацион бенчмаркинг потенциални баҳолаш формулалари келтирилган.

Калим сўзлар: инновация, корхона, автосаноат, бенчмаркинг, потенциал, имконият, фойда олиш, эҳтиёж, натижа, аҳоли.

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ БЕНЧМАРКИНГА АВТОМОБИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Шарипов Конгратбай Аvezимбетович -

Ректор ТГЭУ

Таджиев Сардор Убайдуллаевич -

*заместитель председателя правления по торговле и
по развитию маркетинга АО «Узавтосаноат»*

Аннотация: В статье описаны факторы, определяющие инновационный бенчмаркинг потенциал автомобилестроения, алгоритм разработки и оценки бенчмаркинг потенциала, формулы оценки инновационного бенчмаркинг потенциала.

Ключевые слова: инновация, предприятие, автомобилестроение, бенчмаркинг, потенциал, возможность, прибыль, потребность, результат, население.

AUTOMOBILE ENTERPRISES EVALUATION OF EFFICIENCY OF INNOVATIVE BENCHMARKING SYSTEM

Sharipov Kongratbay Avezimbetovich -

TDIU Rector

Tadjiev Sardor Ubaydullaevich -

*Deputy Chairman of the Board of Uzavtosanoat JSC
for sales and marketing development*

Annotation: The article describes the factors determining the innovative benchmarking potential of automotive enterprises, the algorithm for developing and evaluating the benchmarking potential of automotive enterprises, the formulas for assessing the innovative benchmarking potential of automotive enterprises.

Keywords: innovation, enterprise, automotive, benchmarking, potential, opportunity, profit, need, result, population.

Кириш. Бугунги кунда автосаноат бозорини тадқиқ этиш доирасидаги кенг қўламли тадқиқот натижалари, автосаноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш жараёни корхоналарда ишлаб чиқаришнинг катта қисмини юқори технологияли илмий сиғимли асосда ташкил этиш билан бирга, халқаро ва ички бозорларда кенг қўламли бенчмаркинг фаолиятини амалга ошириш зарур эканлигидан далолат беради.

Айниқса, автосаноат корхоналарида бенчмаркинг самарадорлигини баҳолаш, уларнинг шаклланиш жараёнларини тизимлаштириш, бозорда ҳуқумрон кучга эга истеъмолчиларнинг хулқ-атвори, нафлилик даражаси билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш орқали узоқ

ва қисқа муддатли бенчмаркинг дастурларини шакллантиришга зарурат ортиб бормоқда.

Шу билан бирга автосаноат корхоналари бенчмаркинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўналишларини шакллантиришда халқаро тадқиқот институтларининг бенчмаркинг изланиш натижаларини амалиётга жорий этиш орқали автосаноат корхоналари бенчмаркинг тизимига самарали таъсир кўрсатиш, пировард натижада автосаноат корхоналарининг инвестицион салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда автосаноат корхоналари бенчмаркинг тизимининг самарадорлигини ошириш нархларни белгилаш орқали эмас, балки эркин рақобат муҳитини таъминлаш жараё-

нига асосланади. Бу борадаги қатор ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётида долзарб вазифалар қаторидан муҳим ўрин эгаллашини қайд этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтган эди: "...энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали, нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак. Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим"[1].

Юқоридаги ҳолатлар, автосаноат корхоналарининг инвестицион ва инновацион салоҳиятини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш, савдо ҳажмини оширишга йўналтирилган тадқиқот изланишларини олиб бориш жараёни муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослашга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили. Маркетинг тизими самарадорлигини ошириш, унинг фаолият йўналишларини такомиллаштириш, саноат корхоналарининг бозор фаолиятини қўллаб-қувватлаш доирасидаги кенг қўламли илмий тадқиқотлар хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Банкин, Г.Беквит, С.Н.Бердышев, С.Божук, М.Горштейн, А.Карасев, Р.Фатхудинов, Г.Хардинг, В.Шкардун томонидан амалга оширилган[2].

Мамлакатимизда саноат корхоналарининг бозор фаолиятини тадқиқ этиш, саноат корхоналарининг маркетинг стратегиясини шакллантириш ва тизимлаштиришга оид илмий тадқиқот ишлари иқтисодчи олимлардан Ш.Эргашходжаева, У.Шарифхўжаев, М.Икрамов, Л.Т.Абдухалилова, Н.М.Набиева, С.А.Салимов, Т.А.Акрамов, Г.Б.Муминова[3] ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Юқоридаги тадқиқот ишларининг асосий мақсади саноат корхоналари маркетингнинг стратегиясини шакллантириш орқали корхоналарнинг фаолият самарадорлигини оширишга бағишланган бўлиб, маркетинг стратегиясининг корхона рақобат устунлиги, истъмолич ва рақобатчилар йўналишига боғлиқлиги тизимли тартибда тадқиқ этилган. Аммо саноат корхоналари, хусусан, автосаноат корхоналари фаолиятида халқаро рақобат ва миллий ишлаб чиқаришнинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда корхоналар маркетинг стратегиясини такомиллаштириш жараёни мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мамлакатимизда саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш жараёни, саноат ишлаб чиқариш фаолиятини тубдан такомиллаштиришга эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади. Бу

каби ҳолатлар саноат корхоналари, хусусан, автосаноат корхоналари фаолиятини бозор талабларига мувофиқлаштириш заруратини юзга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сонли "Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги қарори ва унинг амалий ижроси, автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва бошқарув усулларини жорий этиш орқали автосаноат корхоналарининг бозор фаолигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, мантиқий ва абстракт фикрлаш, монографик кузатув ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Асосий қисм. Бенчмаркинг фаолияти бозорни комплекс тадқиқ қилиш, инновацияларни яратишни режалаштириш, уларнинг рақобатбардошлиги, нарх сиёсати, силжитиш, сотувини ташкил этиш ҳамда сервис хизмат кўрсатишни тезлаштиришни назарда тутди. Мос равишда, кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар бўйича алоҳида методикалар ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳозирги кунда кўплаб корхоналарда бенчмаркинг асосида инновациялар йўлга қўйилмоқда. Таклиф этилаётган методиканинг таркибий қисмларига корхона фаолиятининг аниқ шароитидан келиб чиқиб, қўшимчалар киритилиши ва улар кенгайтирилиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, аниқ бир турдаги корхонада инновацион фаолиятни бошқаришнинг самарали механизмини шакллантиришга ёрдам берувчи зарур методик асослар корхонанинг ўзига хос хусусиятларига кўра ўз-ўзини намоён этади.

Бугунги кунда инновацияларнинг барқарор ривожланиб бориши иқтисодиётнинг барча соҳаларида уни яратиш ва қўллашни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан, бозордаги рақобат ва ноаниқлик шароитида бенчмаркинг фаолиятида ҳам инновациялардан фойдаланиш муваффақиятга эришиш имкониятини беради. Жумладан, автосаноатни ривожлантириш, истиқболдаги мақсадларини руёбга чиқаришда инновацион фаолиятга асосланган бенчмаркингнинг янги кўринишларини яратиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги кўринишдаги самарали тижоратлаштирувчи бенчмаркинг воситаларини қўллаш учун аввало, автосаноат корхоналарининг инновацион бенчмаркинг фаолияти етарли потенциалга эга бўлиши керак.

Автосаноат тизимида инновацион бенчмаркинг потенциалини тадқиқ этмай, автомобилларни тижоратлаштириш имкониятларини


аниқлаш иложсиз, албатта. Шу боисдан, автосаноатни ривожлантиришда инновацион бенчмаркинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, уни шакллантирувчи омилларни ўрганиш ва ривожлантириш муаммоларини ҳам юзага келтиради.

Автосаноатда инновацион бенчмаркинг фаолиятини ташкил этишда, аввало, корхона инновацион технологияларга эга бўлиши, хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион маҳсулот ёки хизматларни яратиш ҳамда инновацион усуллар орқали силжитиш масалаларидан иборат дастурий жараёнларни амалга ошириш керак. Унинг замирида замонавий автосаноат тизимига эга корхоналар аҳолига сифатли автомобилларни ишлаб чиқариш, саноат маҳсулоти хавфсизлигини ошириш ва экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган бенчмаркинг тадбирларини амалга оширишда инновацион бенчмаркинг потенциали ташхиси вазифасини бажаради.

Умуман, инновацион бенчмаркинг фаолиятини инновацияларни яратиш ва жорий этиш йўли билан фойда олиш ҳамда истеъмол-

чилар эҳтиёжларини қондириш учун корхонанинг эришиш мумкин бўлган имкониятлари, ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган бошқарув концепцияси сифатида ўрганиш мумкин. Бунда инновацион бенчмаркинг потенциали инновацион бенчмаркинг фаолиятини синовдан ўтказувчи жараён деб, ифодалай оламиз. Демак, инновацион бенчмаркинг натижадорлигини ошириш учун, аввало, унинг потенциалини ошириш ва ривожлантириш масалаларини тизимли тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ёндашув талаб этилади.

Инновацион бенчмаркинг потенциали корхонанинг умумий потенциали таркибига кириб, жумладан, корхона потенциали, бенчмаркинг потенциали, инновацион потенциалини ўз ичига олиб, улар бир-бирини тўлдириб боришга хизмат қилади. Шунинг учун инновацион бенчмаркинг потенциалини тизимли тадқиқ этишда “Корхона потенциали”, “Бенчмаркинг потенциали” ва “Инновацион потенциали” тушунчалари моҳиятини кенгроқ ёритиб бериши мақсадга мувофиқ.



1-расм. Автосаноат корхоналари инновацион бенчмаркинг потенциалини белгиловчи омиллар


Корхона потенциали деганда, унинг ихтиёридаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолининг товар ва хизматларга эҳтиёжини юқори даражада қондиришнинг барча имкониятларини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек, иқтисодий тадқиқотларда корхона потенциали ҳам алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланади. Корхонанинг рақобатдошлиги унинг хусусий потенциалларидан бири бўлган

бозор потенциали ва ундан фойдаланиш самардорлигига ҳам боғлиқ.

Корхона потенциали инновацион бенчмаркинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча ички имкониятлари жамланмасини аниқлаш, улар маълум бир ҳолатларда тўлиқ ёки қисман амалга оширилиши масалаларини белгилаб беради.

Автосаноат корхоналарининг инновацион бенчмаркинг потенциали – транспорт хизматларини самарали ташкил этиш, хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион ташиш технологиялари-

ни қўллай олиш ва уни силжитишда инновацион усуллардан фойдаланиш имкониятларини ифода этади.



2-расм. Автосаноат корхоналарининг бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш ва баҳолаш алгоритми

Автосаноат корхоналарини инновацион фаолиятга йўналтиришда аниқловчи ва унинг инновацион бенчмаркинг потенциалини шакллантириш имконини берувчи омиллар сифатида куйидагилар таклиф қилинади:

1. Транспорт хизматлари бозорининг барча субъект эҳтиёжлари таркибида инновацион транспорт хизмати улуши ошиб бораётганлигини акс эттириб бориши.

2. Автомобиль транспорти корхонасининг инновацияларни яратиш ва уларни силжитиш борасидаги фаоллиги ёки инновацион ташиш технологияларини қўллашда аутсорсинг хизматларидаги бенчмаркинг бошқарувини амалга ошириши.

3. Инновацион бенчмаркинг фаолияти билан шуғулланувчи корхона жамоасини эътиборга олган ҳолда бозор субъектлари эҳтиёжларини қондириш, корхонанинг инсон капитали ва интрапренер (айнан, янгилик яратувчи хо-

дим)ларидан ташкил топган жамоанинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш.

Фикримизча, автомобиль саноати корхоналарининг инновацион бенчмаркинг потенциалини моддий ресурслар, инсон ресурслари, ахборот ва бенчмаркинг воситалари билан боғлиқ омилларнинг умумий йиғиндиси сифатида ўрганиш мумкин.

Автосаноат корхоналари инновацион бенчмаркинг потенциалига баҳо бериш билан бир қаторда, таъсир этувчи кўп турдаги омиллар мезони аниқланиб, уларнинг ичидан рақобатбардошликни ошириш мақсадида турли даражадаги инновацион транспорт хизматларини яратиш, транспорт хизматларини силжитиш ва позициялаш имконияти эътироф этилади.

Автосаноат корхоналарида инновацион бенчмаркинг потенциали омилларини тадқиқ қилар эканмиз, омилларнинг таъсирига кўра уларни бешта кирувчи омиллар инновацион потенциали, моддий ресурслар потенциали, инсон

ресурслари потенциали, ахборот ресурслари потенциали, бенчмаркинг воситалари потенциали инновацион бенчмаркинг фаолиятига тўсиқ бўлади ёки фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Ҳар бир корxonанинг асосий потенциали ресурслар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ресурслар потенциалини оптимал даражада бошқариш, инновацион фаолиятни ташкил қилиш билан бирга бенчмаркингни таъминлайди ва унинг рақобатдошлик даражасини оширувчи восита ҳисобланади. Н.В. Шаланов ҳам ўз тадқиқотларида, инновацион бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш ресурслардан самарали фойдаланиш ва уни оптимал бошқариш, шу билан бирга инновацион фаолиятга асосланган хўжалик субъектларининг барча кўрсаткичларини аниқлаш орқали амалга оширилади, деб таъкидлайди.

Бундай инновацион бенчмаркинг потенциалидан ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар таъсирини аниқлаш, биринчидан, инновацион бенчмаркинг потенциали энг кўпи билан қандай даражага чиқиши, ресурсларни бирлаштириш, турли даражадаги инновацион фаолиятни бошқаришда бенчмаркинг хизматини таъминлай олиши, фаолиятда корпоратив ҳолатларни шакллантириш ва тезкор қарорларни қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Инновацион бенчмаркинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолашда у маълум бир ривожлантирувчи концепцияга эга бўлиши керак. Шунинг учун автомобиль саноати корxonаларининг бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш ва баҳолаш концепциясининг умумий кўриниши ишлаб чиқилди.

Инновацион бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш концепцияси бир қанча жараёнларни ўзида мужассам этиш хусусиятига эга бўлиб, у қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- автомобиль саноати корxonаларининг инновацион бенчмаркинг имкониятлари ва моддий ресурсларини ривожлантириш йўллари аниқлаш;
- бундай ривожлантириш йўналишлари бўйича кўзланган вазифаларни асослаш;
- ривожлантириш жараёнларини таъминлашда инновацион бенчмаркинг технологияларини танлаш;
- инновацион бенчмаркинг фаолияти йўналишини танлаш бўйича етарли стратегия механизмларини ишлаб чиқиш;
- инновацион бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш жараёни самарадорлигини аниқлаш.

Автосаноат корxonаларида инновацион бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш концепцияси қуйидагича амалга оширилади:

- 1) ички ва ташқи омилларни баҳолаш;
- 2) инновацион бенчмаркинг ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Автосаноатда инновацион бенчмаркинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолаш борасидаги тадқиқотларимиз шундан иборатки, таъсир кўрсатувчи омиллар ва танланган кўрсаткичлар хусусиятидан келиб чиқиб баҳолаш учун аниқ услубиятга эга бўлиш керак.

Инновацион бенчмаркинг потенциалини баҳолаш услуби бўйича юқорида келтирилган барча фикрлардан келиб чиқиб, автомобиль саноати тизимида инновацион бенчмаркинг потенциали унинг моддий ресурслар потенциали, инсон ресурслари потенциали, ахборот ресурслари потенциали ва бенчмаркинг воситалари потенциали билан баҳолаш услубиятини таклиф этамиз.

Автосаноат корxonаларининг инновацион бенчмаркинг потенциали қуйидаги формула орқали баҳоланади:

$$P = f1 (P1, P2, P3, P4, P5) \quad (1)$$

Бу ерда:

- P1 – автосаноат корxonасининг инновацион потенциали;
- P2 – автосаноат корxonасининг моддий ресурслар потенциали;
- P3 – автосаноат корxonасининг инсон ресурслари потенциали;
- P4 – автосаноат корxonасининг ахборот ресурслари потенциали;
- P5 – автосаноат корxonасининг бенчмаркинг воситалари потенциали.

Муаллифлик нуқтаи назаридан ушбу формула ёрдамида транспорт корxonаларининг инновацион бенчмаркинг потенциалини баҳолаш билан бирга барча иқтисодий кўрсаткичларни ижобий натижада ифодалаш ҳамда сенергетик самарадорликка эришишга мувофиқлигини келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар: Юқорида келтирилган мулоҳазалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, автосаноат корxonасининг инновацион бенчмаркинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, унинг транспорт хизматлари кўрсатишда инновацион фаолиятни ривожлантириш, умумтранспорти хизматлари бозорида рақобат устунликка эришиши нафақат транспорт хизматлари жараёнларини бошқариш, балки инновацион потенциалини ҳам бошқаришни самарали ташкил этишни тақозо этади.

Бунда:

– бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда автотранспорт хизматлари кўрсатишда инновацион ташиш технологияларини қўллаган ҳолда эксплуатацион ва таъминот харажатларини қисқартирган ҳолда бозордаги улушни ошириш;

– автосаноат корхонаси фаолиятини кенгайтиришни таъминлай оладиган даражадаги даромади инновацион потенциални бошқаришнинг натижавий самарадорлиги ҳисобланади.

Бунинг натижасида автосаноат корхоналарининг инновацион бенчмаркинг потенциалини ривожлантириш билан боғлиқ инновацион бошқарув қарорлари қуйидаги икки йўналишда қабул қилиниши мумкин:

1. Транспорт корхоналарининг инновацион бенчмаркинг потенциали уни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион маҳсулотларни яратиш, шунингдек, инновацион усулларни қўллаш ва хизмат кўрсатиш баҳоларини мувофиқлаштириш ҳисобига корхонанинг инновацион потенциалини ошириш билан амалга оширилади.

2. Инновацион бенчмаркинг потенциални тадқиқ қилиш ва ривожлантириш жараёни узлуксиз олиб борилиши керак, агар у сезиларли натижа бера олмаса, корхона стратегияси қайта кўриб чиқилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://www.review.uz/oz/post/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-savkat-mirziyevning-olij-mazlisga-murozaatnomasi>
2. Эргашходжаева Ш., Шарифхўжаев У. Маркетингни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, "Iqtisodiyot" нашриёти, 2019.– 324 бет.,
3. Икрамов М., Абдухалилова Л.Т., Набиева Н.М. Маркетинг тадқиқотлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2017. – 145 б.
4. Банкин А. Контент-маркетинг для роста продаж. – СПб: Питер, 2017. 272 с., Беквит Г. Четыре ключа к маркетингу услуг. – М.: Альпина Паблишер, 2017. 252 с.
5. Бердышев С.Н. Секреты эффективной интернет-рекламы. Практическое пособие. – М.: Дашков и К, 2018. 120 с.
6. Божук С. Маркетинговые исследования. Учебник. – М.: Юрайт, 2017. 280 с.
7. Горштейн М. Современный маркетинг. – М.: Дашков и Ко, 2017. 404 с.,
8. Карасев А. Маркетинговые исследования и ситуационный анализ. Учебник и практикум для прикладного бакалавриата. – М.: Юрайт, 2017. 315 с.
9. Фатхудинов Р.А. Стратегический маркетинг: Учебник для вузов, 5-е издание. – СПб.: Питер, 2008. – 368 с.
10. Хардинг Г. Маркетинг промышленных товаров. / Пер. с англ. – М.: Сирин, 2002. 272 с.
11. Шкардун В.Д. Маркетинговые основы стратегического планирования: Теория, методология, практика: Монография. – М.: Дело, 2005. – 376 с.
12. Эргашходжаева Ш., Шарифхўжаев У. Маркетингни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, "Iqtisodiyot" нашриёти, 2019.– 324 бет.
13. Салимов С.А. Маркетингни бошқариш. Дарслик. – Т.: Aloqachi, 2010 й., - 252 б., Муминова Г.Б. Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш. 08.00.11 – Маркетинг (иқтисодиёт фанлари). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2019 й. - 54 б.
14. Акрамов Т.А. Автомобиль саноати корхоналарида маркетинг стратегияларини такомиллаштириш. 08.00.11 – Маркетинг (иқтисодиёт фанлари) Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2019 й. -80 б.



ЧАРМ-ТЕРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Эргашев Сардор Мансурович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Маркетинг кафедраси мустақил изланувчиси

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a2](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a2)

Аннотация. Ушбу мақолада чарм-тери маҳсулотларидан фойдаланиш, мамлакат иқтисодиётида саноат соҳасининг ҳиссаси, соҳада юзага келган муаммолар ва унда маркетинг стратегиясини қўллаш истиқболлари, иқтисодий таҳлиллар амалга оширилган. Соҳада юзага келаётган муаммолар атрофлича ўрганилиб, тегишли тарзда илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилган. Маркетинг стратегиясини қўллаш бўйича муаллиф таърифи келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: чарм, тери, пойафзал, маркетинг стратегияси, экспорт, қайта ишлаш, аҳоли турмуш тарзи, тадбиркорлик, чарм-атторлик, инвестиция, рақобат